



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-8, (August) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

БАБАДЖАНОВ Сухроб Ахмедович
Ҳуқуқшунос

АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада айрим ривожланган хорижий давлатларда прокурор назоратини ташкил этиш ва фаолияти ҳақида сўз боради. Замонавий прокуратура фаолиятини таснифлашда иккита ёндашув маълум бўлди: функционал ва институционал. Биринчиси, устунлик қиладиган функцияга қараб типологияни ўз ичига олади, иккинчиси маълум бир мамлакатда ривожланган давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрнини расмий белгилашга асосланади. Таклиф етилаётган таснифни ҳисобга олган ҳолда, ташкилотларнинг моделлари ва турлари ва прокуратура фаолиятининг тузилиши аниқланиб қўриб чиқилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, прокурор, қонунлар ижроси устидан назорат.

РОЛЬ И МЕСТО ПРОКУРАТУРЫ В НЕКОТОРЫХ РАЗВИТЫХ СТРАНАХ

АННОТАЦИЯ

В статье пойдет речь об организации и деятельности прокурорского надзора в некоторых развитых зарубежных странах. В классификации деятельности современной прокуратуры стали известны два подхода: функциональный и институциональный. Первый включает в себя типологию в зависимости от доминирующей функции, второй основан на официальном обозначении должности прокуратуры в системе органов государственной власти, сложившейся в конкретной стране. С учетом предложенной классификации были определены модели и типы организаций, а также структура деятельности прокуратуры, которые вызывали опасения.

Ключевые слова: прокурорский надзор, прокурор, контроль за исполнением законов.

THE ROLE AND PLACE OF THE PROSECUTOR'S OFFICE IN SOME DEVELOPED COUNTRIES

ANNOTATION

The article will focus on the organization and activities of prosecutorial supervision in some developed foreign countries. Two approaches have become known in the classification of the activities of the modern prosecutor's office: functional and institutional. The first includes a typology depending on the dominant function, the second is based on the official designation of the prosecutor's office in the system of public authorities established in a particular country. Taking into account the proposed classification, models and types of organizations were identified, as well as the structure of the prosecutor's office, which caused concern.

Key words: prosecutorial supervision, prosecutor, control over the execution of laws.

Дунёда сўнгги йилларда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва прокурор назорати фаолияти натижаларининг таъсири тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда айрим хорижий мамлакатлар прокуратура органларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган бўлиб, биргина МДХ давлатларида прокуратура органлари ташаббуси билан 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқни қўллаш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш воситаси сифатида прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнга ҳуқуқ ижодкорлигининг замонавий механизмларини жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудида амал қилинадиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Конституциянинг 25-боби қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратуранинг ўрни ва фаолиятининг ҳуқуқий регламентациясига бағишланган. Бу эса давлат органлари тизимида прокуратура алоҳида ўринни эгаллашидан далолат беради. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга прокуратура улар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни ҳам амалга оширади.

Шунинг учун прокуратура органлари зиммасида давлатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг қонунийлиги ҳолатига алоҳида жавобгарлик масъулияти ётади. “Прокуратура тўғрисида”ги биринчи Қонун Конституция қабул қилинган кундан бир кун кейин, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилиниши бежиз эмас эди.

Чунки бундай муҳим қонунсиз Конституциявий кафолатларнинг таъминланиши ва амалдаги қонунларга риоя қилинишига эришиб бўлмасди. Юқорида қайд қилинганидек, бу қонун замон, давр талаблари асосида такомиллаштирилиб, 2001 йил 29 августда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Хорижий давлатлардаги прокуратура органлари мақомига доир конституциявий нормалар ва норматив-ҳуқуқий актларни таҳлил қилиш ушбу масалани ҳал қилиш бўйича бир неча вариантлар борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда давлат органлари тизимида прокуратуранинг эгаллаган ҳуқуқий мақоми бўйича давлатларни тўртга гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ мамлакатларида прокуратура органлари ижро этувчи ҳокимият тармоғига мансуб (АҚШ, Дания, Қирғизистон, Мексика, Норвегия, Словения, Филиппин, Швеция, Эстония).

Айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи прокуратурани суд ҳокимияти таркибига киритган (Озарбайжон, Андорра, Болгария, Грузия, Испания, Латвия, Молдова). Франция, Германия, Бельгия, Миср, Италия, Нидерландия, Руминияда прокуратура ташкилий жиҳатдан адлия вазирлигига бўйсуниб, прокурорлар, асосан, судлар қошида фаолият кўрсатади ва аксарият ҳолларда судьялар корпуси таркибига киритилади. Шу боис бу давлатларда прокуратура ижроия ва суд ҳокимияти ўртасида оралиқ мавқега эга.

Тўртинчи гуруҳ мамлакатларида прокуратура ҳокимият тақсимланиш тизимида мустақил ўринга эга бўлиб, ҳокимиятнинг ҳеч бир тармоғига мансуб бўлмайди (МДХнинг кўпчилик давлатлари, Албания, Венгрия, Македония, Сербия, Словакия, Хорватия, Бразилия, Аргентина, Индонезия).

Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг асосий функциялари бўйича фикр билдиришдан олдин “прокурор назорати”, “прокуратура органларининг функциялари” атамаларининг мазмуни бўйича ўз фикримизни билдириб ўтишни лозим деб топдик.

Прокурор назорати деганда давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар-прокурорлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолият тушунилиши лозим [1].

Прокурор назорати-махсус ваколатли мансабдор шахслар-прокурорлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида қонунбузарликлар, уларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, бузилган қонунийликни тиклаш, айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича давлат номидан амалга ошириладиган ҳокимият фаолиятидир [2].

“Функция” атамаси лотинча “funktio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, фаолият доираси, тайинлаш, фаолият мазмунини англатади. Ҳуқуқ назариясида “функция” атамаси орқали, одатда, фаолият йўналишлари тушунилади [3].

Айрим олимлар фикрича, “прокуратура органларининг фаолиятида фаолият йўналишлари ва функция алоҳида мустақил тушунчалардир” [4].

Бизнинг фикримизча эса, прокуратура органларининг функциялари деганда тегишли субъектлар (прокурорлар, прокуратура органларининг бошқа профессионал ходимлари) томонидан прокуратура органларига қонун билан юклатилган вазифаларни бажариш учун амалга ошириладиган фаолият йўналишлари мажмуи тушунилади.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг асосий функциялари кўпгина ҳолларда ушбу давлатлар мансуб бўлган ҳуқуқий тизимга боғлиқ бўлади. Мисол учун, роман-герман ҳуқуқий тизимига мансуб давлатларда қонунийлик таъминланиши бўйича назоратни амалга ошириш прокуратура органларининг асосий функцияси бўлиб, қолган барча функциялар уни тўлдириш ва ривожлантиришга қаратилган [5].

Албатта, битта ҳуқуқий тизимга мансуб бўлган давлатлардаги прокуратура органлари функциялари ўртасида ҳам жиддий фарқлар бўлиши мумкин. Лекин ушбу давлатларда прокуратура органлари функциялари тарихий шаклланишининг бирлиги, ушбу функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган ҳуқуқий воситаларнинг умумийлиги битта ҳуқуқий тизимга мансуб бўлган давлатлардаги прокуратура органлари функциялари бўйича умумий хулосага келиш имконини беради.

Континентал (роман-герман) ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлардаги прокуратура органларининг функциялари турличадир. Франция, Германия, Бельгия, Италия, Нидерландия, Руминияда прокуратура органларининг асосий функциялари жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасига тааллуқли бўлиб, шу боисдан бу давлатларда прокурорлар, асосан, судлар қошида фаолият кўрсатади.

Бу давлатларда жиноят судлов ишларини юритиш бўйича прокурорларнинг функциясига қуйидагилар киради:

1. Жиноят ишларини кўзғатиш.
2. Жиноят ишларини тергов қилиш, терговни назорат қилиш, терговга умумий раҳбарлик қилиш.
3. Судларда айбловни қувватлаш.

Прокурорларнинг жиноят ишларини кўзғатишга доир ваколати кўпчилик ривожланган мамлакатларда мутлақ характерга эга. Жумладан, ГФР ЖПКга мувофиқ жиноят ишларини кўзғатиш ваколати прокурорларнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

Францияда ҳам фақатгина прокурор қонунбузарга нисбатан жиноий даъвони давлат номидан ёки ўзининг ташаббуси билан ёхуд келиб тушган ариза, баённома, хабар ҳамда жабрланувчининг шикоятига биноан кўзғатишга ҳақлидир. Италияда прокурорнинг бу ваколати ҳатто Конституцияда белгилаб қўйилган [6].

Россия Федерацияси, Албания, Венгрия, Македония, Сербия, Словакия, Хорватия ва МДХнинг деярли барча давлатларида прокуратура органлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича жиноят процесси ва бошқа соҳаларда функцияларининг кенглиги билан ажралиб турадилар.

Бу давлатларда прокуратура органларининг қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни таъминлаш функциясига қуйидагилар киради:

- қонунлар ижросини назорат қилиш;
- идоравий норматив-ҳуқуқий актларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бу давлатларнинг кўпчилигида прокурорлар юқоридаги функцияларни амалга ошириш чоғида процессуал жиҳатдан мустақилдирлар. Англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда ҳам прокуратура органларининг функциялари турличадир. Ушбу функцияларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш ва судда айбловни қувватлаш;
2. Ҳуқуматнинг юридик масалалар бўйича вакили ролини бажариш.

Аммо ҳар бир давлатнинг тарихий-ҳуқуқий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда прокуратура органларининг функциялари бирбиридан деярли тубдан фарқ қилади.

Мисол учун, АҚШда атторнейлар тергов, суриштирув, судда айбловни қувватлаш, ижроия ҳокимият манфаатларини судларда ифодалаш бўйича кенг ваколатларга эга бўлса, Буюк Британияда атторнейлар фаолияти судларда айбловни қувватлаш ва ҳуқумат манфаатларини судларда ҳимоя қилиш билан чекланган.

Лотин Америкаси ва Скандинавия давлатларида прокуратура органларининг функциялари роман-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларникига ўхшаш. Бу давлатларда прокуратура органларининг асосий функцияларига қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда жиноят-судлов ишларини юритишда иштирок этиш киради. Айрим Скандинавия давлатларида (Норвегия, Финляндия)да прокуратура органлари маъмурий судларга тегишли бўлган функцияларни ҳам бажарадилар [7].

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятида эришилган ижобий натижаларни жорий қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича фикр билдиришдан олдин шуни айтиш лозимки, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш соҳасида ҳеч қандай ягона андозалар бўлиши мумкин эмас. Жаҳондаги прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш прокуратура фаолияти ва уни ташкил этиш борасида турли хил моделлар мавжудлигини кўрсатади [8].

Замонавий прокуратура фаолияти типологиясига иккита ёндашув энг кенг тарқалган: функционал ва институционал. Биринчиси, устунлик қиладиган функцияга қараб типологияни ўз ичига олади, иккинчиси маълум бир мамлакатда ривожланган давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрнини расмий белгилашга асосланади.

Функционал ёндашув тарафдорлари прокуратура тузилмаси ва фаолиятининг иккита асосий турини ажратиш кўрсатишади: прокуратура жинорий таъкиб органи (“прокурор – айбловчи”) ва прокуратура қонун устуворлигини назорат қилувчи орган сифатида (“прокуратура”) прокурор – қонун устуворлиги посбони”).

Ҳозирда прокуратура органларига қўшимча функцияларни амалга ошириш юкланиши мумкин, шунинг учун кўплаб функцияларнинг мавжудлиги билан тавсифланган аралаш турдаги прокуратура фаолиятининг мавжудлиги тўғрисида фикр мавжуд.

Прокуратуранинг биринчи тури тарихан прокуратура фаолиятининг суд тузилишидан келиб чиқади (“суд магистратураси”).

Бунда прокуратуранинг асосий фаолияти, асосан, жиноят ишлари бўйича одил судлов манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, прокуратуранинг ўзи эса, қоида тариқасида, жиноий таъкиб этувчи ва давлат прокуратурасини таъминловчи органлардир.

Бу ерда прокурор фақат айблов мақсадини кўзлайди - жиноят содир этган шахсни омма олдига фош этиш ва унга тегишли жазо тайинланишига эришиш. Шу муносабат билан, кўпинча, прокуратуранинг ягона вазифаси давлат айбловини таъминлаш ёки, умуман олганда, жиноий таъкиб қилишни амалга оширишдир. Таъкидлаш жоизки, замонавий шароитда прокурор, суд ва химоячи ўртасидаги муносабатлар рақобат асосида қурилади [9].

Иккинчи турдаги “Прокуратура қонунийлик устидан назорат қилувчи орган сифатида” тарихан прокуратура фаолиятининг суд-маъмурий ва фискал-назорат тузилмасидан келиб чиқади. Асосий мақсад – қонун устуворлигига риоя этилишини назорат қилиш (кузатиш), бу назорат қилинадиган муҳитнинг қонуний ҳолатига эришиш учун юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар – қонунларда мустаҳкамланган талабларнинг бажарилишини англатади.

Суд процесси жараёнида прокурор процесснинг бошқа иштирокчиларига нисбатан расмий ёки ҳақиқий процессуал устунликка эга, шунингдек, судга нисбатан очик ёки яширин назорат ваколатларига ҳам эга. Прокуратура органлари тузилишининг худди шундай модели Россия, Хитой ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатлари учун хосдир.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятида эришилган ижобий натижаларни жорий қилиш мамлакатимиз прокуратура органлари тизимида қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган фаолият самарадорлигини ошириши лозим. Чунки прокуратуранинг обрў-эътибори, ижтимоий аҳамияти, аввало, унинг қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқтартиботни барқарорлаштиришга қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бирон-бир давлатда прокуратура органлари фаолиятида эришилган ижобий натижаларни мамлакатимиз прокуратура органлари тизимига жорий қилишда ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, иқтисодий ривожланиш даражаси, маъмурий-худудий тузилиши, миллий анъана ва ҳуқуқий маданият даражасини ҳисобга олиш ва ўзаро қиёслаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хорижий давлатлар прокуратура органлари фаолияти бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимлар фикрича ҳам ҳар бир давлатдаги прокуратура органларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши ушбу халқнинг тарихий ва ҳуқуқий анъаналари, ижтимоий ва сиёсий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ [10].

Шу муносабат билан прокуратура кўпроқ даражада адлия органларининг фақат ташқи белгиларига эга бўлган мустақил назорат органлари тизимидир. Унинг фаолиятининг асосий мақсади қонунларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш орқали бутун марказий ҳокимият манфаатларини таъминлашдан иборат, бошқа барча функциялар ҳосила ва ёрдамчидир.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятида эришилган ижобий натижаларни жорий қилиш мамлакатимиз прокуратура органлари тизимида қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган фаолият самарадорлигини ошириши лозим. Чунки прокуратуранинг обрў-эътибори, ижтимоий аҳамияти, аввало, унинг, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни барқарорлаштиришга қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. Т.: 2005. ТДЮИ. – Б. 8
2. Качалов В.И., Качалова О.В. Правоохранительные и судебные органы: Учебник. М.: Издательско торговая корпорация «Дашков и К'». 2016. – С. 108.
3. Прокурорский надзор. Учебник / Под. ред. О.А. Галустьяна. М.: ЮНИТИ – ДАНА. 2016. – С. 104.
4. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М.: Городециздат, 2017. – С. 96
5. Шалумов М. Надзор за законностью и уголовное преследование самостоятельные функции прокурора // Законность. 1999. №8. С.4
6. Олимов Б. Хорижда санкция ва тергов // Қонун ҳимоясида. 2005. – №6. – Б. 22.
7. Додонов В.Н. Прокуратуры стран мира. Справочник. // Под общей научной редакцией. проф. С.П. Щербы. Юрлитинформ.: М. 2016. – С. 144, 226.
8. Gulomov, Akmaljon Sh, Nodir S. Muxiddinov, and Ulfat I. Shonazarov. "Concepts And Procedures of Private Property Under the Legislation of The Republic of Uzbekistan." Journal of Positive School Psychology 6.3 (2022): 1587–1594.
9. Шоназаров Улфат. “Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг фуқаролик-ҳуқуқий талқини”. Общество и инновации 2.2 / S (2021): 146–152.
10. Власихин В.А. Государственная аттorneyская служба в США (критический анализ организации, функций и деятельности). Автореферат дисс... канд. юрид. наук. М., 1979., Щукин М.Д. Прокурор в уголовном процессе Германии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М., 2004.